

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёркин ифодаси

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити олдидан фойдаланишга топширилиши ва бу икки тарихий воқеанинг бир вақтга тўғри келишида чуқур рамзий маъно мужассам.

Зотан, ушбу йўл Фарғона водийси вилоятлари иқтисодиёти, инфратузилмасини юксалтириш баробарида, Ўзбекистонда ягона, мустақил миллий транспорт-коммуникация тизимининг шаклланиши, транзит ҳамда сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш ва темир йўл тармоғини янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги серқирра, стратегик муносабатларни тобора юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бир пайтлар киши хаёлига келмаган, улкан тоғни ёриб ўтишдек хайратланарли ишлар Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати ва ташаббуси билан бугун ҳақиқатга айланди. Бор йўғи, 32 ой ичида мураккаб тоғли худудни кесиб ўтувчи 19,2 километрлик туннелнинг барпо этилиши, йилига 10 миллион тоннадан зиёд юкни манзилга етказиш салоҳиятига эга бундай кенг имкониятлар халқимиз фаровонлигини ошириши баробарида, мамлакатимизнинг иқтисодий барқарор суръатлар билан ривожланишида ҳам муҳим омил бўлади.

Табиийки, бундай улкан қурилишни кўрган инсон шу юрт ривожига ўз ҳиссасини кўшишга интилаверади. Чунки мустақиллик йилларида биз илгари тасаввур ҳам қилолмаган, бугун ўзимизга ғурур бағишлаб, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган юксак марраларга эришяпмиз. Шубҳасиз, бунинг замирида Мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъмат, -халқимизнинг фидокорона меҳнати мужассамдир.

Водий халқининг кўзида бугун мамнунлик, Президентимизнинг халқ фаровонлиги йўлида олиб бораётган бундай улкан ишларига чексиз миннатдорлик туйғусини кўриб турибмиз. Ўтмишга назар ташласак, бир вақтлар пойтахтга келиш учун қўшни республикаларни айланиб ўтишга мажбур бўлардик. Юк ташиш у ёқда турсин, ҳатто йўловчиларни ўз манзилига эсон-омон етказиб қўйиш ҳам мураккаб масала эди. Биз бу кунларга осонлик билан эришганимиз йўқ, албатта. Бу кунга етгунча халқимиз қандай изтиробу машаққатларни бошидан кечирмади, дейсиз. Яқинда давлатимиз раҳбари биз, депутатлар билан парламентдаги учрашувида ҳам истиклолни қўлга киритиш оғир кечганлигини, бунга ўз-ўзидан эришилмаганлигини аниқ далилларда асослаб бердилар. Бугун-чи? “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган саволга ушбу йирик бунёдкорлик ишларимиз орқали жавоб топгандекмиз. Юртбошимиз Ватанимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ ягона ҳамда яхлит темир йўл тизимини яратиш ғоясини илгари суришининг моҳиятида ҳам айна шу жиҳатлар мужассам, десак, хато бўлмайди.

Дарҳақиқат, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли Фарғона водийси вилоятларининг иқтисодиёти, инфратузилмасини юксалтириш баробарида,

Ўзбекистон аслида қандай буюк давлат экани, халқи қандай қудратга, салоҳиятга эгаллигини яна бир қарра жаҳон ҳамжамиятига намоеън этди. Чунки дунёда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари сезилаётган бир пайтда бундай улкан лойиҳани амалга оширишга унча-мунча давлатнинг журъати етмайди.

Шубҳасиз, ушбу темир йўлнинг қурилиши нафақат халқимизга, балки фермер ёки тадбиркорларимиз учун ҳам ғоят қувончли воқеа бўлди. Эндиликда водийнинг шаҳару қишлоқларидан маҳаллий корхоналар маҳсулотларини дунёнинг исталган мамлакатига экспорт қилиш имкониятини қўлга киритишди. Бу эса республикамиз экспорт салоҳиятини янада ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги эзгу ишларнинг навбатдаги босқичини бошлаб бериши, шубҳасиз.

Қисқача айтганда, мазкур темир йўл қурилишидек улкан ва ғоят муҳим лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши орқали мустақил Ўзбекистонда ягона ҳамда яхлит темир йўл тизими шаклланиши ниҳоясига етказилди. Аниқки, у Фарғона водийсининг саноат ва инфратузилма соҳасидаги улкан салоҳиятини ўзлаштириш жараёнини тезлаштиради, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланишида муҳим омилга айланиб, юртимизнинг транзит салоҳиятини тубдан оширишга хизмат қилади.

Баҳром НИЁЗМАТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари

қўмитаси раиси.

(Халқ сўзи, 1 июль 2016 йил)